

## Абу Ҳанифа қадри баланд мужтаҳиддирлар



11:39 / 16.02.2025 1218

Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳ ўз замонларида ўзлари ишлаб чиққан танзир қоидаларига кўра: «Музораъа савдоси жоиз эмас», деб фатво берганлар. Музораъа – шерикчилик асосида ҳосилнинг учдан бири ёки тўртдан бирини бериш эвазига ерни топшириш. Бундан қайтарилгани ҳақида Пайғамбар алайҳиссаломдан очиқ ҳадиси шарифлар ҳам ворид бўлган. Абу Ҳанифа шулардан далилланиб айтганлар. Лекин кейинчалик жамиятда музораъа муомаласи кенг ёйилди, чунки унга эҳтиёж пайдо бўлди. Натижада, гарчи Абу Ҳанифани қўллаб-қувватловчи кўплаб далиллар бор бўлса ҳам, биз у кишининг сўзларини тарк қилдик ва икки шогирднинг бунга ижозат берган фатволарини олиб, музораъа ва мусоқот келишувларига рухсат бердик.

Бунда уламолар Абу Ҳанифанинг далилини заиф билиб, у зотнинг сўзларини шунинг учун тарк қилишмаган. У зотнинг сўзини тарк

қилишимизга сабаб бошқа нарса – мазкур татбиқ усуллари, қоидаларидир. Улар усулут-татбиқ дейилади. Демак, Абу Ҳанифанинг далиллари заиф эмас, балки татбиқ масаласи сабабли биз у кишининг гапларидан бошқа гапга фатво берганмиз. Масалан, орамизда «Ихтиёр» китобини ўқиганлар бўлса, бир неча ўринларда муаллиф аввал бир масалага Абу Ҳанифанинг кўплаб далилларини келтириб, гапларини Қуръон, Суннат ва қиёс жиҳатидан қўллаб, сўнг «Урф сабабли фатво имом Муҳаммаднинг сўзларига берилади», «Зарурат сабабли икки шогирднинг гапига фатво берилади», деган ўринларга гувоҳ бўлади. Ёки замон ўзгариши, бирор муаммо ёки эҳтиёжнинг ўта оммалашиб кетиши каби бошқа сабаблар туфайли шогирдларнинг сўзига фатво берилади.

Шулардан кўриниб турибдики, танзир масаласи ва татбиқ масаласи бошқа-бошқа нарсалар экан. Бошқа ривоятга кўра, фатво бериш мазҳаббошининг далили заиф бўлгани учун эмас, балки муфтийнинг замонни тушунишдаги, қоидаларни татбиқ этишдаги йўли экан.

Тушунарлироқ бўлиши учун бошқа бир машҳур масалани айтиб ўтаман. Бир киши бедарак бўлиб кетди, уйда аёли қолган эди. Буни «мафқуд» масаласи деймиз. Мазҳабимизга кўра, то ўша киши тенги одамлар вафот этмагунича уни ўлди деб ҳукм чиқара олмаймиз. Масалан, бир аёл йигирма ёшида турмушга чиқди. Эри тўсатдан ғойиб бўлиб, йўқолиб қолди. Энди уни эридан ажратишимиз учун 50 йил кутиш керак. Шундан кейин унга ажрашди, деб ҳукм берилади ва идда ўтиради. Бу масалада Расулulloҳ алайҳиссаломдан заиф ривоятлар бор, Алий, Ибн Масъуд розияллоҳу анҳулардан бир қанча асарларда шундай дейилади. Қиёсга кўра ҳам шундай бўлиши керак. Лекин амал ва татбиқ қилиш жиҳатига келсак, бу масалада имом Молик роҳимаҳуллоҳнинг сўзларига фатво берилганини кўрамиз: эр йўқолганидан 4 йил ўтгач, аёл эрнинг никоҳидан чиқарилади, яъни ундан ажрашади. Бу ҳукм ҳазрати Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳунинг сўзларидир.

Хўш, бу ерда Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг сўзларини заиф бўлгани учун тарк қилдикми? Йўқ! Биз татбиқ қилиш жиҳатидан Абу Ҳанифанинг сўзидан енгилроқ сўз топганимиз учун иккинчи қавл билан ҳукм чиқардик. Бу иккинчи қавл ҳам мутлақ мужтаҳиднинг қавли. Тушунтириш учун айтаман: «Абу Ҳанифанинг сўзлари рожиҳ, яъни устун», деймиз. Далил жиҳатидан бирорта сўзни у кишининг сўзларидан муқаддам қўймаймиз. Кейинги баҳсларда бу масалани батафсил кўриб чиқамиз. Далил жиҳатидан Абу Юсуфнинг сўзларини ҳам, Муҳаммаднинг сўзларини ҳам у

кишининг сўзларидан муқаддам қўймаймиз, лекин амалга татбиқ қилиш жиҳатидан юздан эллик фоиз масалада Абу Ҳанифанинг қавлларидан бошқа қавлга фатво беряпмиз. Хуллас, Абу Ҳанифанинг қавллари энг устуни, чунки у зот энг қадрли баланд мужтаҳиддирлар. Лекин муфтий риоя қилиши лозим бўлган зарурат, энгиллик қилиш, машаққатни кетказиш, замоннинг ўзгариши, бирор муаммо ёки эҳтиёжнинг ўта оммалашиб кетиши каби татбиқ қилиш қоидаларига келсак, буларнинг барчаси Қуръон ва Суннатда собитдир. Ушбу зарурат, энгиллик қилиш, машаққатни кетказиш, замоннинг ўзгариши, бирор муаммо ёки эҳтиёжнинг ўта оммалашиб кетиши каби омилларга қатъий далиллар бор. Агар шулардан бир қанчаси Абу Юсуф ёки Шофеъийнинг далили билан жамланса, мана шу қавл рожиҳ деб эътиборга олиниб, Абу Ҳанифанинг қавлларидан муқаддам қўйилади. Бу тариқа баён қилишимиз ўзимизнинг катта имомимизга – имоми Аъзамга нисбатан таъзим ва эҳтиром бўлади. Лекин бироз олдин айтганимиздек, ихтилофлар ва зарурат, энгиллик, замоннинг ўзгариши каби омилларни қўллаб-қувватлаган далиллар бор бўлса, у зотнинг сўзларидан бошқасини мазҳаб тутамиз ва унга амал қиламиз.

Айтилган бу гаплардан оладиган катта хулосамиз шуки, ҳеч бир масалада Абу Ҳанифа роҳимаҳуллоҳнинг бирор далилларини ўша далил заиф бўлгани учун тарк қилмаган эканмиз. Балки, фатво берувчи учун ишлаб чиқилган йўллар – зарурат, энгиллик қилиш, машаққатни кетказиш, замоннинг ўзгариши, бирор муаммо ёки эҳтиёжнинг ўта оммалашиб кетиши каби омиллар сабабли айрим далилларини тарк қилганмиз.

Мана шулар билан фикҳ илмининг асослари мукамал бўлади. Айнан биз айтган сабаблар туфайли эҳтиёжга қараб бошқа қавлларни, бошқа мазҳабларнинг далилларини оламиз.

### **«Ҳанафий мазҳабига теран нигоҳ» китобидан**

Ушбу китоб Ўзбекистон Республикаси Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2024 йил 16 апрелдаги 03-07/2009-рақамли хулосаси асосида тайёрланган.